O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Она юрт — ҳур Ўзбекистон, ҳеч кимдан кам бўлмаган халқ ўз чемпионини, ўз қаҳрамонини шарафламоқда!

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2007-yil • 21-aprel • Shanba • 48 (27.693) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Ўзбекистоннинг ва ўз номини жаҳон спорти тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битган ватандошимиз, бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаев 20 апрель куни мамлакатимиз бош майдонидаги Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулдаста қўйди.

Мустақиллик майдони — барчамизнинг севимли қадамжомиз. Спортчиларимиз нуфузли мусобақалар олдидан ҳамда халқаро майдонларда эришилган ғалабаларидан сўнг Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулдасталар қўйиши анъанага айланган. Зеро, ҳар бир ўзбек спортчиси ўз Ватани шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, эришилаётган юксак натижалари, қўлга киритилаётган медаллари, тарихий ғалабалари истиқлолимизнинг шарофатидан эканини яхши билади.

Тошкентдаги Олимпия шонушуҳрати музейида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Руслан Чагаев шуни алоҳида таъкидлади. Унда мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларидан кўплаб журналистлар иштирок этди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан этиб белгиланган, юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, аҳолини, айниқса ёшларни спортга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда. Руслан Чагаевнинг катта спортда эришган ушбу тарихий ғалабаси бунинг ёрқин далилидир.

Руслан Чагаевнинг пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида машғулот ўтказаётган ёш боксчилар билан учрашуви жаҳон чемпионининг метиндек мустаҳкам кафтини қисишга муваффақ бўлган болалар хотирасида бир умр муҳрланиб қолиши, уларни янги зафарлар сари руҳлантириши шубҳасиз.

Спорт оламига энди кириб келаётган кўпчилик болакайлар севимли спорт юлдузларига ўхшашга ҳаракат қилади. Руслан Чагаев ҳам болаликда ҳаваскор боксчилар ўртасида биринчи ўзбек жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев, Муҳаммад Али, Майк Тайсон каби машҳур боксчиларга ҳавас қилган бўлса, не ажаб.

Ҳаваскор боксчилар ўртасида Р.Рисқиев эришган натижаларни икки маротаба такрорлаган Руслан Чагаев қачонлардир америкалик М.Тайсоннинг белида чақнаган олтин камарни бугун юртимизга олиб келди. Шундай қилиб, унинг ўзи энди ёш спортчиларимиз учун ибрат намунасига айланди.

Руслан ЧАГАЕВ:

ҒАЛАБАМНИ ВАТАНИМ МУСТАҚИЛЛИГИГА БАҒИШЛАЙМАН

Ҳамюртимизнинг россиялик машҳур боксчи Николай Валуевга қарши жангда эришган улкан ғалабасига бағишланган тадбирлар — учрашувлар, спорт мусобақалари, концертлар бутун мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда.

Ўзбек йигити Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони тожини кийганида халқимиз ана шундай ҳаяжонли дамларни бошидан кечирган эди. Энди Руслан Чагаев дунёдаги энг зўр боксчи эканини олам аҳлига исботлади. Ўзбек ёшлари, Ўзбекистон фарзандлари юксак салоҳиятининг довруғи яна етти иқлимга ёйилди.

2-бет

ҒУРУР

Русланга жаҳоний зафар ёр бўлди,
Ўзбекнинг ғурури барқарор бўлди.
Дуо берган эди ўзи Юртбошим,
Эл-юрт меҳри унга мададкор бўлди.

Абдулла ОРИПОВ,
18.04.2007 й.

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ПРЕЗИДЕНТ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 20 апрель куни Оқсаройда бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаевни, «Юниверсум бокс-промоушн» (Германия) профессионал бокс клуби промоутери Клаус-Петер Коль ва Р.Чагаевнинг ушбу клубдаги менежери Тоймас Ниёзовни қабул қилди.

Бир ҳафта илгари Германиянинг Штутгарт шаҳрида профессионал боксчининг энг нуфузли — Жаҳон бокс уюшмаси (WBA) йўналиши бўйича ўта оғир вазн тоифасида ўтган баҳсда Руслан Чагаев жаҳон чемпиони камарини қўлга киритди. Давлатимиз раҳбари шу муносабат билан таниқли боксчимизга йўллаган табригида Ўзбекистон аҳли бугун унинг спорт оламида кўрсатган беқиёс жасоратини байрам қилаётганини, халқимиз ўзбек бокс мактабида тарбия топиб камолга етган ўғлонининг тарихий ғалабаси билан ҳақли равишда фахрланишини таъкидлади.

— Мен сени — ҳалол ва муросасиз ўтган ғоят кескин беллашувда сайёрамизнинг энг кучли боксчиси деган номга сазовор бўлиб, ўзбек спорти ва жаҳон бокси солномасида янги, зарҳал саҳифа очишга эришган забардаст ўғлонимизни яна бир бор қутлашдан мамнунман, — деди Президентимиз. — Ўзбекистон байроғи ва мадҳиясини, ўзбек спортини, юртимиз шаъни ва шарафини улуғлаётганинг учун катта раҳмат.

Юртбошимиз бутун мамлакатимиз, кўпмиллатли халқимиз номидан Ўзбекистоннинг мард ва баҳодир ўғлонига, мана шундай ўғлонни вояга етказган оила аъзоларига ва яқинларига, тренер ва мураббийларига, Штутгартда унинг ёнида бўлганларга, Ўзбекистонда туриб уни қўллаб-қувватлаганларга миннатдорлик билдирди.

Тарих ҳақиқати шуни тасдиқлайдики, бу ҳаётда ҳеч нарса тасодифан юз бермайди. Бугун халқаро спорт майдонларида Ўзбекистон байроғи остида мардона курашиб, олий шоҳсупаларга кўтарилаётган йигит-қизларимиз ҳақида гапирар эканмиз, улар эришган юксак марраларнинг пойдевори ва сабаблари, яъни бундай оламшумул зафарларнинг замини қаерда деган савол туғилиши табиий, албатта.

Бунинг замини — аввало, халқимизнинг табиатида, салоҳияти ва буюк имкониятларида, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган енгилмас куч-қудрат ва азму шижоатда.

Бунинг замини — давлатимиз раҳбарининг спортга, айниқса, болалар спортига, соғлом ва баркамол авлод тарбиясига бераётган катта эътиборида.

Р.Чагаевнинг жаҳон бокс майдонида эришган муваффақияти бу борадаги эзгу интилишларимиз ва улуғвор ишларимизнинг мантиқий натижаси, халқимиз нимага қодир эканлигининг амалий ифодаси, истиқлолимизнинг самарасидир. Бу улкан ютуқ халқимизнинг ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмагани ва кам бўлмаслигини яна бир бор тасдиқлади.

Халқлар, мамлакатлар тарихида бундай муҳим ва шонли саналар кам бўлади. Айниқса, ўз халқининг фахру ғурурига, Ватанининг ифтихорига айланишдек буюк бахт ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Руслан Чагаев ўз кучи, қатъияти, фидойилиги туфайли ана шундай бахт ва омадга мушарраф бўлди. Николай Валуевдек фавқулодда кучга эга боксчи билан бўлган мураккаб жангда боксчимиз наинки чайир билаклари ва залворли муштининг кучини, айни чоғда, ўзининг маънавий-руҳий салоҳиятини, тобланган иродасини, қатъиятини тўла намоён қилди.

— Ҳали олдинда сени янгидан-янги зафарлар кутмоқда, — деди Ислом Каримов. — Қаерда бўлсанг, қайси марраларни забт этишга бел боғласанг ҳам, шуни унутмагинки, халқимиз доимо сен билан биргадир. Элнинг оқ фотиҳаси туфайли ҳамиша йўлинг очиқ, қўлинг баланд ва иқболинг порлоқ бўлгай. Кексаларимизнинг дуосию, ёшларимизнинг ҳурмат-эътибори доимо руҳингга мадад, танингга шижоат бағишлашига ишончим комил. Мана шу муқаддас заминда яшаб ўтган улуғларимизнинг, азиз авлиёларнинг руҳи сенга ҳар жойда, ҳамиша мададкор бўлсин.

Ўзбекистон Президентининг 2007 йил 17 апрелдаги Фармонига биноан, профессионал бокс бўйича ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиб, мардлик ва жасорат намунасини намоён этгани, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, унинг шуҳратини дунёга таранним этиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, ўзбек бокс мактаби анъаналарини янада юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Р.Чагаев «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. Юртбошимиз Р.Чагаевга ана шу орденни ва Андижондаги «ЎзДЭУавто» заводида ишлаб чиқарилган «Lacceti» автомобили калитини топширди.

Президентимизнинг фармонларига мувофиқ Р.Чагаевнинг устоз ва мураббийлари — «Юниверсум бокс-промоушн» профессионал бокс клуби промоутери Клаус-Петер Коль — «Жасорат», боксчимизнинг ушбу клубдаги менежери Тоймас Ниёзов эса «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Ислом Каримов уларга ҳам давлатимизнинг юксак мукофотларини топширди.

Мукофотланганлар Президентимиз Ислом Каримовга ўз меҳнатларини юксак тақдирлагани учун самимий миннатдорлик изҳор этдилар. Руслан Чагаев мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида кўрсатаётган катта эътибори ва спортчиларга нисбатан ғамхўрлиги учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирди, бундай эътибор Ўзбекистонимизнинг халқаро нуфузини оширишда муҳим омил бўлаётганини, Ватанимиз, эл-юртимиз шаънини улуғлашда бундан кейин ҳам куч-ғайратини аямаслигини алоҳида таъкидлади.

(ЎзА)

ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 20 апрель куни Оқсаройда Литва Республикаси ташқи ишлар вазири Пятрас Вайтекунасни қабул қилди.

— Ўзбекистонга ташрифингиз самарали бўлишига ишонаман ва унинг натижалари икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади, — деди мамлакатимиз раҳбари.

Ўзбекистон билан Литва ўртасидаги муносабатлар йил сайин ривожланиб бормоқда. Жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланаётир. Бунда икки мамлакат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2002 йил сентябрь ойида Литва Республикасига расмий ташрифи ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтарди.

2006 йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 42 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Лекин бу кўрсаткич икки давлат салоҳиятига мос келмайди. Ўзбекистон ва Литва озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, кимё, тўқимачилик ва электротехника саноатида, шунингдек, қурилиш материаллари, мебель, халқ истеъмоли моллари, дори-дармон ишлаб чиқаришда янги лойиҳаларни ишга солиб, ўзаро манфаатли дастурларни амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон тўқимачилик саноати, юртимизда давом этаётган хусусийлаштириш жараёни Литва сармоядорларида катта қизиқиш уйғотаётганини таъкидлаш жоиз.

Транспорт коммуникациялари соҳасида ҳам кенг имкониятлар мавжуд. Ўзбекистон товарларини шимоли-ғарбий йўналишда экспорт қилишда, айниқса, Литванинг Клайпеда бандаргоҳидан фойдаланиш қулай. Клайпеда соҳиллари қишда музламайди, бандаргоҳда хизмат кўрсатиш сифати баланд — товарлар яхши сақланади, омборларда узоқ туриб қолмайди. Литва учун ҳам Осиё бозорларига чиқишда Ўзбекистоннинг транспорт коммуникацияларидан фойдаланиш манфаатли. Мутахассислар икки мамлакатда савдо уйлари очиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлайди. Бу бозор конъюнктурасидан бохабар бўлиш, тегишли ахборотларни алмашиш учун қулайлик туғдиради.

Ўзбекистон ва Литва ўртасида сиёсий ҳамкорлик ҳам изчил ривож топмоқда. Бунда икки томонлама сиёсий мулоқотлар, шунингдек, халқаро ташкилотлар доирасидаги алоқаларга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини қайд этиш лозим. Айни пайтда терроризм, экстремизм, наркобизнес, қурол-яроғ контрабандаси, трансмиллий уюшган жиноятчилик каби иллатларга қарши курашда ўзаро ҳамкорлик икки томон учун ҳам зарур. Литва раҳбарияти Ўзбекистонга Марказий Осиё минтақасида муҳим ўрин тутувчи давлат сифатида қарайди.

Пятрас Вайтекунас самимий қабул учун Президентимиз Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди. Литва Ўзбекистонга дўст ва ҳамкор мамлакат сифатида қарашини, алоқаларни ҳар томонлама мустаҳкамлашдан манфаатдор эканлигини алоҳида таъкидлади.

Оқсаройда бўлиб ўтган учрашувда икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар ҳамда долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 17-19 апрель кунлари Миср Араб Республикасига расмий ташрифи ўзаро ҳамкорликни барча соҳада янги поғонага олиб чиқишга хизмат қиладиган натижалар билан якунланди. Жумладан, 15 ҳужжат имзоланиб, ишбилармонлар ўртасида кўплаб келишувларга эришилганининг ўзи натижанинг нечоғли салмоқли эканлигидан далолатдир.

Мисрга ташриф асносида Президент Ислом Каримов ушбу мамлакат Президенти Ҳусний Муборак, Бош вазири Аҳмад Назиф, Парламент Халқ кенгаши (қуйи палата) раиси Фатҳий Сурур, ташқи ишлар вазири Аҳмад Абулғайт билан учрашди. Мулоқотлар чоғида Ўзбекистон билан Миср ўртасида савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий ҳамкорликни ривожлантириш, парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, ташқи сиёсат маҳкамаларининг маслаҳатлашувларини мунтазам йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Биз расмий делегация аъзоларидан Президентимизнинг мазкур ташрифи ва унинг натижалари ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён қилишни сўрадик.

2-бет

Руслан ЧАГАЕВ:

ҒАЛАБАМНИ ВАТАНИМ МУСТАҚИЛЛИГИГА БАҒИШЛАЙМАН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки стадиони 20 апрель оқшомида байрам тусини олди. Бу ерда карнай-сурнай садолари янграб, талаба- ёшлар, ўқитувчи ва мураббийлар, спортчилар, спорт ишқибозлари, адиблар, санъаткорлар, кенг жамоатчилик вакиллари йиғилди. Ҳамманинг юзида қувонч, фахр-ифтихор, тилида — «Руслан», «Ғалаба!»

Майдонга карнай-сурнай садолари, минглаб мухлислар олқишлари остида бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаев кириб келади.

Катта байрам тадбири бошланди.

Тантанада Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Гулруҳ Аъзамова, профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони Артур Григорян сўзга чиқиб, Русланнинг ушбу тарихий ғалабаси халқимизнинг кўксини тоғдай кўтарганини таъкидлади. Бу ғалаба замирида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказишга қаратилаётган улкан эътибор туфайли мактабгача таълим муассасалариданоқ болаларда спортга меҳр уйғотиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёш авлоднинг спорт билан шуғулланиши учун барча шароитларни яратиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самараси мужассамдир.

— Германиянинг Штутгарт шаҳрида ўтказилган учрашув ҳаками ғалаба қозонганимни эълон қилганида мени халқим, мустақил Ватанимдан чексиз фахр-ифтихор туйғулари чулғаб олди, — дейди Руслан Чагаев. — Қийин ва муросасиз жангда барча юртдошларимнинг мени чин дилдан қўллаб-қувватлаб турганини чуқур ҳис қилиб турдим. Айниқса, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ушбу масъулиятли беллашув олдидан менга оталарча омад тилагани кучимга-куч, ғайратимга-ғайрат қўшди. Ғалабамни юқори баҳолаб «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирлагани ва бугун ушбу юксак мукофотни менга шахсан ўзлари топширгани учун Юртбошимиздан беҳад миннатдорман. Эришган ғалабамни Ватаним — Ўзбекистон мустақиллигига бағишлайман!

Тадбирда ёш спортчиларнинг чиқишлари мушоирага, мушоира дилкаш наволарга, қўшиқлар эса жозибали рақсларга уланиб кетди.

Анна ИВАНОВА, Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, Воҳид ЛУҚМОНОВ, ЎзА мухбирлари. М.АМИН, Д.ЮСУПОВ (ЎзА), А.ҲАЙДАРОВ олган суратлар

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Рустам ҚОСИМОВ — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, олий ва ўрта махсус таълим вазири:

— Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташрифи Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги ўзаро муносабатларга доир кенг қамровли масалалар юзасидан фикр алмашиш, илгари қабул қилинган қарорлар ижросининг боришини ҳамда янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятларини кўриб чиқиш учун қулай имконият яратди. 2007-2010 йилларга мўлжалланган маданий ҳамкорлик дастури дўстлик ришталарини, ўзаро англашув, ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлаб, халқларимизни янада яқинлаштиради.

Фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ва Миср таълим бераётган ўқитувчилар сонини оширишга келишиб олинди, яъни улар сони 2-3 карра ошади. Шунингдек, академик доиралар махсус гуруҳлар тузиб, тегишли соҳалар бўйича биргаликда тадқиқотлар олиб боради.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан Мисрнинг Искандария кутубхонаси ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги протоколни алоҳида таъкидлаш жоиз. Мисрнинг мазкур кутубхонасида Абу Али ибн Сино, Азизуддин ибн Муҳаммад ан-Насафий, Муҳаммад Исо ат-Термизий каби алломаларимиз асарларининг дунёда ягона нусхалари сақланади. Ташриф асосида Ўзбекистон ва Миср олимларидан иборат ишчи гуруҳини тузиб, ўзбек заминида етишиб чиққан икки юзга яқин аллома ҳақида китоб яратишга келишиб олинди. Қоҳирага ташриф давомида Араб давлатлари лигаси Бош котиби Амр Мусо Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Азизуддин ибн Муҳаммад ан-Насафий, Бурҳониддин Марғиноний буюк аждодларимиз асарларининг нусхаларини топширгани ҳам ғоят муҳим воқеадир.

Миср ҳукумати мамлакатларимиз халқларининг кўп асрлик илмий-маданий алоқалари тимсоли сифатида Қоҳирада буюк бобомиз Аҳмад ал-Фарғонийга ҳайкал ўрнатишга қарор қилгани ва Президент Ислом Каримовнинг ташрифи доирасида ушбу ҳайкалнинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтгани алоҳида аҳамиятга эга.

Алишер ШАЙХОВ — Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси:

— Президентимиз Ислом Каримовнинг Мисрга ташрифи Ўзбекистон ва Миср учун янги бозорларни очиш масалалари юзасидан самарали мулоқотлар ўтказилгани билан ҳам аҳамиятли. Расмий музокаралар ҳамда ишбилармонлар анжумани доирасида имзоланган ҳужжатлардан келиб чиқиб, Мисрга Ўзбекистон товарларини Африка қитъаси томон йўналтириш учун ўзига хос платформа сифатида қараш мумкин. Мисрга юртимиздан пахта толаси ва ипак, тракторлар етказиб бериш борасида келишувларга эришилди. Тўқимачилик, кўнчилик, дори-дармон ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналар тузишга келишиб олинди. Хусусан, «Ўзфармсаноат» давлат-акциядорлик концерни билан Мисрнинг МЕДИВУД (дори-дармон ва озиқ-овқат), МЕПАКО (фармацевтика), Медикал юниен фармасютикалс (дори-дармон), Седако (фармацевтика) компаниялари ўртасида, «Ўзбекчармпойафзали» ушмаси билан Миср чарм саноати палатаси, «Лезер Ҳишам» компанияси ўртасида, «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акционерлик компанияси билан Миср тўқимачиликни ривожлантириш уюшмаси ва «Седан» компанияси ўртасида тузилган шартномаларнинг умумий молиявий қиймати 7,3 миллион АҚШ долларини ташкил қилади.

Экспорт шартномаларининг умумий сони йигирмага яқин. Уларнинг молиявий қиймати 37,16 миллион АҚШ долларидан ошади. Бу ҳужжатларга биноан, Ўзбекистон Мисрга пахта ва ипак толаси, катодли мис ва бошқа маҳсулотлар етказиб беради.

Шоазим МИНОВАРОВ — Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари:

— Миср учрашувларида, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистон манфаатларига хизмат қиладиган натижаларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, бу ташриф минтақавий ва халқаро доирада хавфсизликни мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан муҳим воқеадир. Қоҳирада Ўзбекистон билан Миср ўртасида кўплаб соҳаларда алоқаларни янги босқичга кўтарадиган ҳужжатлар имзоланди. Бу билан ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий пойдевори янада мустаҳкамланди.

Миср томони ташрифга алоҳида эътибор билан тайёргарлик кўргани ҳар қадамда сезилиб турди. Расмий Қоҳира Ислом Каримов ташрифини Марказий Осиёдаги етакчи мамлакат раҳбарининг сафари сифатида эътироф этди. Ташриф давомида икки томонлама муносабатларга доир масалалар, шунингдек, Афғонистон, Ироқ ва Яқин Шарқдаги вазият муҳокама қилинди.

Саидаҳмад РАҲИМОВ — Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси:

— Президентимизнинг Мисрга ташрифи иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, жумладан, банк муассасалари ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш сари кенг йўл очди. Ташриф давомида икки мамлакат марказий банклари, миллий банклари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Мисрнинг тижорат банклари — «Банк дю Каир» ва «Банк Мисрий» ўртасида молиявий ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузилди. Буларнинг барчаси савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Анвар БОБОЕВ, ЎзА махсус мухбири

ЛИТВА ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Литва Республикаси ташқи ишлар вазири Пятрас Вайтекунас 20 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Литва ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

— Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик нафақат сиёсий, балки савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ҳам изчил ривожланмоқда, — деди Пятрас Вайтекунас. — Литвада ўзаро муносабатларни, айниқса, транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш катта. Алоқаларни ривожлантириш ва кенгайтиришнинг имкониятлари кўп.

Учрашувда Ўзбекистон билан Литва ўртасидаги парламентлараро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Литва ташқи ишлар вазири Ўзбекистон ташқи ишлар вазири В.Норов билан музокара ўтказди.

●●●

Ўзбекистон ва Литва ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Литва Халқаро савдо палатаси ташкил этди. Анжуманда ташқи иқтисодий алоқалар, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, транспорт коммуникациялари, сайёҳлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралар, қатор компания ва концернлар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари Н.Қосимов олий даражадаги учрашувларда қабул қилинган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Форумда литвалик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари ва хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар ҳақида маълумот берилди.

2006 йилда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 42 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Литва сармояси иштирокида йигирмага яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, пойабзал, машинасозлик, электротехника саноати каби соҳаларда иш юритади.

Ўзбекистондан Литвага пластмасса ва пластмасса буюмлар, нефть кимёси маҳсулотлари, механик ускуналар, пахта толаси, қора металлар, мева-сабзавот каби маҳсулотлар экспорт қилинади. Литвадан Ўзбекистонга транспорт воситалари, механик ускуналар, сут, шакар ва қандолат маҳсулотлари, кимёвий тола, резина, мебелсозлик маҳсулотлари импорт қилинади.

— Юртингизга ташриф асосида Ўзбекистонда нафақат савдо-иқтисодий, балки бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорликни йўлга қўйиш учун қулай шароит мавжуд эканлигига яна бир бор амин бўлдик, — деди Литва Халқаро савдо палатаси Бош директори Альгимантас Акстинас. — Келажакда мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солган ҳолда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдоримиз.

Литванинг йигирмага яқин йирик компанияси вакиллари иштирок этган ушбу анжуманда «Линава» (Миллий автомобиль ташувчилари уюшмаси), «Marijampols pieno konservai» (сут ва қаҳва маҳсулотлари), «Vyrybalt Gytis Vysniauskas» (агротехника ускуналари) ҳамда «Serpantinas» (тиббий жиҳозлар, электрик ускуналар, кондиционер ва ҳаво тозаловчи мосламалар савдоси) каби кўплаб фирмалар Ўзбекистон бозоридаги ўз ўрнини кенгайтириш ниятида эканлиги таъкидланди. Форумда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтиришга, жумладан, Литва компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Литва Халқаро савдо палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Шундан сўнг Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Литва ишбилармон доиралари вакилларининг кооперацион биржаси бўлиб ўтди. Унда литвалик ишбилармонлар ўзбекистонлик шериклар билан сайёҳлик, банк иши, кимё саноати, тўқимачилик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, мебелсозлик, мева-сабзавот савдоси, қандолат ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олдилар.

●●●

Литвалик меҳмонлар Темурийлар тарихи давлат музейида Соҳибқирон ҳамда унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар билан танишди.

П.Вайтекунас Амир Темур фаолияти, унинг бепоён салтанати, Улуғбек ва Бобурдек алломаларни етиштирган сулоласи, Соҳибқироннинг жаҳон тарихида тутган ўрни ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўлганини таъкидлади.

— Темурийлар тарихини ўзида мужассам этган ушбу музей бизда жуда катта таассурот қолдирди, — деди П.Вайтекунас. — Темурийлар тарихи музейини қузатар эканман, ўзбек халқининг бой тарихга эга эканлигига яна бир карра амин бўлдим. Марказий Осиё минтақасида етакчи ўрин тутувчи Ўзбекистондек буюк давлатга ташриф буюрганимдан беҳад мамнунман.

Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбирлари

❖ ЎзХДП ҳаёти

ФАОЛЛИК ВА САМАРАЛИ ИШЛАШ — ШУ КУННИНГ ТАЛАБИ

Ўзбекистон ХДП тузилмаларида партия маҳаллий ташкилотлари ва депутатлар гуруҳларининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга оширишда самарали иштирокини таъминлаш масаласи кенг муҳокама этилмоқда.

Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдаги пленумида ҳам бу масалалар кўриб чиқилди ва Ўзбекистон ХДПнинг вилоятдаги барча бўғинлари, депутатлик гуруҳларидан олиб борилаётган ишларида юксак самарага эришиш талаб қилиниши таъкидланди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури юзасидан олиб бориладиган ишларда Ўзбекистон ХДП электорати партиянинг диққат-эътиборида бўлиши лозим. Бу ҳолат партия қуйи бўғинлари фаолиятидаги одат бўлиб қолган услублардан воз кечишни талаб қилади. Яъни, бошланғич партия ташкилотларининг асосий диққатни электорат орасида иш олиб боришга қаратмоғи лозим.

Бу вазифалар мутлақо бошқача ёндашувлар, вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашларидан юксак касб маҳоратини талаб этади. Тадбир қатнашчилари Қашқадарё вилоят партия ташкилотида «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини бажаришда фаол иштирок этиш ва демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичида зиммадаги вазифаларни талаб даражасида ташкил қилиш учун етарли куч, салоҳият ҳамда имкониятлар етарли, деб ишонч билдирдилар.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон ХДП МК раиси ўринбосари этиб сайланган Олим Равшанов Қашқадарё вилоят партия кенгаши раиси ва ижроия қўмитаси аъзоси вазифаларидан озод этилди. Пленум Қарши шаҳар партия кенгаши раиси вазифасида ишлаб келаётган Рашид Муртазоевни Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси этиб сайлади.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Ғуломов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

❖ Сўз — ЎзХДП етакчиларига

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

ПАРТИЯ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг Юртбошимиз бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилини белгилаб, ўтиш даврида аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи долзарб эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Бу амалда ўз исботини топиб келмоқда. Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан йилларни ўзига хос номлашнинг замирида ҳам инсон манфаатларига, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламини ижтимоий муҳофаза қилишга йўналтирилган сиёсат ётади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатимиз аҳолисининг заиф қаталамлари манфаатларининг ифодачиси сифатида ижтимоий масалаларни улар фойдасига ҳал этиш, яъни ижтимоий адолат учун курашишни ўзининг бош мақсади деб билади. Партиямиз дастурида меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш сиёсати устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Ўтган 2006 йилда мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида сезиларли ижобий ишлар амалга оширилди. Масалан, республикамиз бўйича 570 мингдан зиёд янги иш ўрини очилган бўлса, шундан йирик саноат корхоналари негизида касаначиликни ривожлантириш ҳисобига 65 мингдан ортиқ иш ўрини яратилди. Буларнинг салмоқли қисми Президентимизнинг тегишли Фармон ва қарорлари асосида одамларга касаначиликнинг турли шакллари билан шуғулланиш учун шарт-шароит яратиб бериш, муҳтож оилаларни чорва моллари билан таъминлаш борасида қилинган хайрли ишлар туфайли амалга оширилди.

Лекин фармон ва қарорлар ижросини таъминлашда айрим жойларда сусткашликка йўл қўйилаётганлиги ҳам сир эмас. Шу боис, мавжуд ҳолатни ўрганиш, зарур чора-тадбирларни белгилаш ва ҳамкорликда уларни амалга ошириш, тегишли муассасаларнинг эътиборини мавжуд камчиликларга қаратиш, бу ишларда ЎзХДП ташкилотлари, депутатлик гуруҳларининг иштирокини кучайтириш мақсадида жойларда партия кенгашлари томонидан давра суҳбатлари, семинар-ўқувлар ўтказилмоқда. Уларда ЎзХДП электорати манфаатига қаратилган ижтимоий йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш, маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳларининг масъулиятини ошириш ҳақида фикр алмашилмоқда.

2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши ҳам партиямизга катта масъулият юклади. Бизнинг вазифамиз амалга оширилаётган ибратли ишларни тарғиб этиш билан бир қаторда, партия кенгашлари, ХДП депутатлик гуруҳларининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг ижросида бевосита иштирокини таъминлашдан иборат. Шу нуқтаи назардан партиямиз электоратига мансуб кам таъминланган оилалар, якка-ёлғизлар, ногиронлар каби ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига имконият даражасида амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Масалан, Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманида истиқомат қилувчи ХДП фаоли Тўхта Эшимов ҳудуддаги 22-ўрта мактабни 6 йилдирки ўз оталиғига олган. Кам таъминланган оилалар фарзандларидан 5 нафарига суннат тўйи ўтказилди. Унинг ташаббуси билан «Ойнакўл» маҳалласидаги 5 километрдан ортиқ йўл учун 6 миллион сўм маблағ сарфланиб, асфальт қилинди. Пойтахтимиздаги Чўтка ишлаб чиқариш корхонасида асосан кўзи ожизлар, ногиронлар меҳнат қилишади. Ҳар байрам арафасида Ўзбекистон ХДП Миробод туман кенгаши улардан хабар олиб, маънавий ва моддий ёрдам кўрсатишни анъанага айлантирган. Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши томонидан «Кўзи ожизлар жамияти»га ва кам таъминланган оила фарзанди З.Сирочевага моддий ёрдам кўрсатилди. Наманган вилоят Кенгаши депутати, ХДП фаоли Ш.Саидбоев кам таъминланган оила фарзанди бўлган коллеж ўқувчисини ўз қарамоғига олди. Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши аъло баҳоларга ўқиётган, намунали хулқи билан бошқаларга ибрат бўлаётган ўқувчилар учун ХДП стипендияси жорий этди.

Жойларда ечимини кутаётган айрим муаммолар йўқ эмас. Уларни аниқлаш ва депутатларимиз орқали ушбу масалаларни маҳаллий ҳокимликлар, тегишли ташкилотлар раҳбарлари билан ҳамкорликда ҳал этиш мақсадида ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар кенгашларида 211 та Жамоатчилик қабулхонаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўтган йилда Жамоатчилик қабулхоналарига 11 мингга яқин фуқаролардан ёзма ва оғзаки мурожаатлар тушган. Партия кенгашлари, фаоллар ва ХДПдан сайланган депутатлар томонидан мурожаатларни ижобий ҳал этиш билан бирга фуқароларга ҳуқуқий маслаҳатлар ҳам бериб борилмоқда.

«Ижтимоий ҳимоя йили»да ЎзХДП томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг кўлами кенг. Улар умуммақсад йўлидаги самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири — партиянинг ижтимоий шериклари бўлган ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришдир.

Баҳодир НОРОВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ЎзХДП Ҳамза туман ташкилоти аъзолари ва электорат вакиллари жаҳон профессионал боксининг энг оғир вазнида олтин камарни қўлга киритиб, жаҳон чемпиони бўлган ҳамюртимиз Руслан Чагаев ғалабасини алоҳида қувонч ва ўзгача шукуҳ билан тантана қилдилар. Байрамона тадбирлар тумандаги мактаб, коллеж, корхоналар ҳамда Авиасозлар саройида кенг ва кўтаринки руҳда ўтказилди.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ҳам юртдошимиз қўлга киритган улкан ютуқ кенг нишонланди. **ЎзХДП «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти** томонидан ташкил этилган тадбирда сўзга чиққанлар ҳамюртимиз ғалабаси ўсиб келаётган авлод онгида Ватанга муҳаббат, садоқат руҳини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Сирдарё вилоят ва Ғулистон шаҳар кенгашлари «Истиқбол» ёшлар қаноти «Миллат хотирасининг ёшлар учун аҳамияти» мавзуида давра суҳбати ташкил этди. 2-Ғулистон педагогика коллежида бўлиб ўтган тадбирда нотиқлар миллий-маънавий меросимизни чуқур ва мукаммал ўрганиш, уларни асраб-авайлаш, ёш авлод онгига етказиш миллат келажаги вакилларининг тарбиясига ижобий таъсири борасида сўз юритдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

❖ Уй-жой мулкдорлари ширкатлари: ИБРАТЛИ ТАЖРИБА

РАҲБАР ИШБИЛАРМОН БЎЛСА

ШИРКАТ ФАОЛИЯТИДА МУАММОЛАР КАМАЯДИ

Айни кунда битта ёки иккиучта кўп қаватли уйда яшовчиларни бириктирган уй-жой мулкдорлари ширкатлари мақбул эканлиги ҳақида кўп гапириляпти, шундай ширкатлар яратиш устида иш кетяпти. Яъни, яқинларгача ўн-ўн бешта уйни бирлаштирган ширкатлар бўлиниб, ихчамлаштирилмоқда.

Бундан бир неча йил олдин, аниқроғи, 2003 йил охирларида Робия Қодирова кам аъзоли ширкатлар ишини бошқариш осон эканлиги, қарздорлик йўқолиши ва уйлардан фойдаланиш кўнгилдагидек бўлишини исботлаш учун анча-мунча ҳаракат қилиши, тўсиқларни енгиб ўтишига тўғри келган эди.

У пойтахтнинг Ҳамза туманидаги «Валихонова» номли ширкат бошқаруви раиси. Бу ширкатга Валихонова кўчасидаги тўққиз қаватли, тўртта йўлакли 2- ва 4-уйларда яшовчилар аъзо бўлишган.

Хуллас, бундан уч йил олдин бу икки уй аҳлининг ўзлари аъзо бўлган ва ўн олтита кўп қаватли уйда яшовчиларни бирлаштирган ширкатдан ажралиб чиқиш ҳақидаги талаблари ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Уйлар ширкат «қароргоҳи»дан анча узоқда жойлашгани етмагандек, улар эътиборидан ҳам четда эди. Бу икки уй аҳли сув қувурларининг чириб кетганлигидан, қишда иссиқлик меъёрида берилмаслигидан, ертўлалар сувга тўлиб, ёзу қиш пашша аримаслигидан йиллар давомида азият чеккан эдилар. Одамлар алоҳида ширкат тузиш учун ажралиб чиқишга чиқди-ю, раҳбарликка кимни тайинлаш ҳақида анча бош қотиришларига тўғри келди. Олий маълумотли муҳандис ва қурилиш ишлари билан шуғулланадиган хусусий фирма эгаси Робия Қодирова ширкатга ким раҳбарлик қилишидан қатъи назар, мутахассислик маслаҳатларини аямаслигини билдирди. Шартнома билан қайсидир буюртмачининг ишини бажариб, кўрсатган хизмат ҳақингни олиб, тинчгина яшаш қайда-ю, муаммоли уйлар ташвишини зиммангга олиш қайда?! Аммо, кўни-қўшнилар уни тинч қўйишмади. Робия Қодированинг кам сонли аъзоли ширкатларнинг иши яхши бўлиши ҳақидаги фикрни амалда ўзи исботлашига тўғри келди. Бунинг учун кўп вақт керак бўлмади. Атиги уч ойда барча ертўлалардан сув ариди.

— Бу ишни бажариш осон кечмади, — дейди Робиянинг ўзи. — Чунки айрим мулкдорларда ширкат фаолиятига ишончсизлик ҳали сақланиб қолган, ойлик тўловларнинг бор-йўғи йигирма фоизи унар эди...

Зах уйда пашшага таланиб яшаш азобидан қутилган мулкдорларнинг ўзлари бу янгиликни биринчи бўлиб эътироф қилишди. Албатта, қуруқ гап билан эмас, уй бошқариш ва сақлаш бадалларини вақтида тўлашга аста-секин ўргана бордилар. Бошқа эътирофлар ҳам узоқ куттирмади — «Валихонова» ширкати ташкил этилганидан кейин кўп ўтмай халқаро танловда ғолиб чиқиб, 6 минг АҚШ доллари миқдоридаги мукофот пулини қўлга киритди. Уйларнинг капитал таъмирлаш ишларининг 30 фоизи бажарилганидан сўнг туман ҳокимлиги ҳам қараб турмади. Таъмирнинг давлат ҳисобидан бажариладиган қисми бошланиб кетди.

Робия Қодирова билан суҳбатлашиб ўтириб, ширкат иши кўнгилдагидек, унинг аъзолари аҳил бўлиши учун раҳбар мутахассис ва фидойи бўлиши кераклигига яна бир бор амин бўлдик. Аслида бу гап янгилик эмас — ахир, қанчадан-қанча уй-жой мулкдорлари «тасодифий» раислардан азият чеккани, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларида ширкатларнинг «йўқолиб қолган» маблағлари бўйича қанча ишлар кўрилгани... ҳаммамизга маълум.

Кўп қаватли уйда яшовчи одамнинг шароити кўнгилдагидек бўлиши, томдан ўтаётган чакка ёки шунга ўхшаш нохушликлар ҳақида бош қотирмай, хотиржам бўлиши учун яна нималар керак экан?

— Тежамкорлик керак, — дейди Робия. — Бу ишга келишим билан лифтларга хизмат кўрсатувчи корхонага тўланадиган ҳақ билан қизиқдим. Арзонроқ нархга хизмат кўрсатадиган бошқа корхона топдим ва айтилган нархни ҳам савдолашиб, ўн фоизга арзонлаштиришга кўндирдим. Лифтларга дарҳол электр ҳисоблагичлар ўрнатдик, электрга тўланадиган ҳақ ҳам тенг ярмига қисқарди. Йўлакларга олти вольтлик электр лампочкалари қўйдик — улар бироз қимматроқ, лекин кўпга чидаши, қувватни тежаши ҳисобидан пули чиқиб кетади. Йўлак эшикларига кодланган қулфлар ўрнатдик — бу йўлакларга кирган заҳоти фарқни сезасиз — батартиблик, саранжомлик кўзга ташланади...

— Мана бу пластик қувурларни кўринг, — Робия стол устидан икки энлик оппоқ қувур бўлагини олади. — Ишлатилганига икки йил бўлган қувурнинг бир бўлаги, ички қисмида бироз бўлса-да, гард йўқ. Темир қувурларичи бу муддатда зангга тиқилиб қолган бўларди. Иссиқликни узатиш ва қайтариш учун худди шундай қувурлар қўйганмиз. 50 йил кафолат беришган. Муддатидан олдин бузилса, жарима тўлашлари ҳақида шартномамиз бор. Бу қувурларда носозликларни бартараф этиш учун бесўнақай кислород баллонларини, оғир пайвандлаш асбобларини судраб юриш шарт эмас. Керакли ускуналар бир жомадонга жой бўлади...

Ширкат идорасига кириб келган зиёлинамо кийинган йигит қўлидаги бежиримгина қути ҳозиргина тилга олинган нарса эканини ва у сантехник Алексей Буйнов эканлигини қайдан билибман?!

— Баъзан, ҳафталаб «чақириқ»сиз қолиб, зерикаман, — дейди кулиб Алексей.

Тажрибаларини ўрганиш, саволларига жавоб олиш мақсадида Робия Қодирова олдига тез-тез ҳамкасблари келиб туришади. У ҳам билганларини ўртоқлашишдан эринмайди. Айни пайтда ўзининг ҳам савол, таклиф, мулоҳазалари бор.

— Давлатимиз томонидан кўп қаватли уйларни капитал таъмирлаш учун катта-катта маблағлар ажратиляпти. Аммо уларни ўзлаштириш ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек эмас-да. Баъзан пудратчилар кўчадан ишчи ёллаб пайвандлаш ва бошқа ишларни бажаришади. Сифатсиз иш озгина вақтдан кейин «ўзини» кўрсатади.

Ширкатларга тасодифий кишилар раҳбар бўлиб қолаётгани, улар мулкдорлар нонини туя қилишаётгани ҳақида кўп эшитамиз. Бунга тўсиқ қўйишнинг осонгина йўли борку?! Ундирилган бадалларнинг неча фоизи қайси мақсадларга сарфланиши, ойлик маош учун неча фоизи ажратилиши белгилаб берилсин. Шунда ширкат раиси ўзига бир неча юз минглаб маош белгилашдан тийилади.

Уй-жой мулкдорларининг ҳуқуқий савияси тўланган бадаллар сарфи ҳақида тийинма-тийин ҳисобот талаб қилишга етгунча, балким ана шундай «қолиплар» керакдир?!.

Робия Қодирова мени кўчага кузатиб чиққанида, яна бир неча манзараларни илғадим: кексароқ аёл уй олдида ётган бир бўлак ёғочни олиб, ахлат қутиси томон юрди.

— Қумри хола, саломатлигингиз жойидами, —деб сўрашди у билан Робия.

Тамара исмли аёл билан у эккан ва уй деворига чирмашиб, чиройли манзара ҳосил қилган печакгуллар, Муса ака билан эса уй олдидаги кафтдек ердаги мўъжазгина боғи ҳақида икки оғиздан гаплашди.

Ширкат фаолияти яхши бўлиши учун нималар қилиш керак деган саволга яна бир жавоб олдим — одамлар ўзларининг умумий уйи учун қилган озгина ишлари ҳам эътибор ва таҳсинга лойиқ эканини унутмаслик керак...

Ёзганларимиздан, бу уйларда ҳамма ишлар аъло экан, деган хаёлга борманг тағин. Қилинажак юмушлар ҳали кўп, бунинг устига ширкат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган муаммолар ҳам бор: уйлар олдидаги асфальт ўйдим-чуқур бўлиб қолган. 2-уй ёнидаги ахлатхона катта йўл чеккасида кўзга хунук кўриниб турибди, атрофини ўраб, қўриқланадиган қилиб қўйиш керакка ўхшайди. Уйлар атрофидаги дарахтлару майсазорлар изма-из ёққан ёмғирлардан ҳозир кўм-кўк бўлиб турибди, жазирамада улар биёбондагидек ахволга тушади — суғориш учун сув йўқ, 4-уй олдида электр подстанцияси биноси неча йиллардан бери таъмирланмаганидан умумий манзарани бузиб турибди... Ширкат раиси бу масалаларни ҳал қилиш борасида туман ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотларга ўз таклифлари билан борган. Демак, бу ишлар ҳам ижобий ҳал этилишига умид бор.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

❖ Тадбир

БОЙИТИЛГАН УН САЛОМАТЛИК КАФОЛАТИ

Унни бойитиш бўйича Миллий дастур доирасида Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ томонидан журналистлар учун учинчи миллий мукофот танлови эълон қилинди.

Шу муносабат билан Миллий матбуот марказида мазкур танлов шартларининг тақдимоти ўтказилди. Тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти қошидаги Анемия маркази, «Донмаҳсулотлари» илмий-ишлаб чиқариш маркази раҳбарлари ҳамда Унни бойитиш бўйича Миллий дастур менежери ва бошқа мутахассислар иштирок этдилар.

Танловнинг асосий мақсади мажбурият ва дастурларни қабул қилиш ҳамда бойитилган ун ва нон маҳсулотларига барқарор истеъмолчилик талабини рағбатлантириш йўли билан мамлакатимизда озуқавий микроэлементлар танқислиги ҳамда анемия муаммоларини ҳал этишга кенг жамоатчилик эътиборини қаратишдан иборат.

Тадбирда мутахассислар унни бойитиш ва йодланган туз истеъмолининг аҳамияти борасида алоҳида тўхталдилар.

— Ўзбекистон ҳукумати томонидан темир танқислиги муаммосини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти қошидаги Анемия маркази раҳбари Дилором Сулаймонова. — 2001 йилдан бошлаб мамлакатимизда Осиё Тараққиёт Банки билан ҳамкорликда JFPR 9005 лойиҳаси татбиқ этилди. Унга кўра, ун ишлаб чиқарувчи 14 та корхона унни бойитиш учун мўлжалланган дозаторлар билан жиҳозланди. Натижада темир, фолий кислотаси, руҳ ва бошқа зарур витаминлар билан бойитилган 600.000 тонна ун ишлаб чиқарилди.

Унни бойитиш бўйича Миллий дастур 2003 йилда Ўзбекистон ҳукумати ташаббуси билан ишлаб чиқилган эди. 2004 йилда минтақадаги мамлакатлар орасида Ўзбекисон биринчилардан бўлиб Глобал Альянс (ОЯГА)нинг грантини қўлга киритди.

Дастур республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси, ЮНИСЕФ ва Жаҳон Банки томонидан амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Унни бойитиш бўйича Миллий дастурнинг мақсади беш йил давомида Ўзбекистондаги аёллар ва болалар ўртасида темир танқислиги анемияси даражасини 20 фоизга пасайтириш, унни бойитиш ва янги озуқавий ўсимликларнинг самарали ва ишончли базасини яратишдан иборат.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2007 йилнинг 22,25,29 май ва 1,5,8,12,15,19,22,26,29 июнь кунлари аукцион савдоларини ўтказади

Аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситаси ва банкрот корхона мол-мулклари қўйилган:

Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уйда жойлашган, Тошкент давлат Авиация институтининг давлат рақами 10 AW 882 бўлган «Опель Вектра» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич нархи — 3 180 000 сўм.

Банкрот деб эътироф этилган, Жиззах вилояти, Арнасой тумани, Ғолиблар қўрғонида жойлашган, «OSIYO KOMPRESSOR LITMASH» МЧЖ ҚК мол-мулклари ва қуйиш цехи.

Бошланғич нархи — 403 000 000 сўм.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар. Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароунноҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Мурожаат учун телефон: 133-23-40.

Тошкент вилояти, Қибрай туманида жойлашган «RAHSHONA-H.H.» МЧЖ Устав фондини **437 220 650 сўмдан 300 000 000 сўмга** камайтирмоқда.

Эътирозлар қуйидаги телефон бўйича 1 ой давомида қабул қилинади: **134-02-15.**

ПРЕЗИДЕНТ ВАЗИФАСИДАН ЧЕТЛАТИЛДИ

Руминия парламенти мамлакат президенти Траян Басескуни давлатни бошқариш мақомидан маҳрум этди. Энди парламент 30 кун ичида президентга импичмент эълон қилиш юзасидан умумхалқ референдуми ўтказиш масаласини кўриб чиқади.

Президентни лавозимидан четлатиш масаласи юзасидан парламентнинг 322 нафар депутати овоз берди (Руминия қонунчилигига кўра, 235 та овоз етарли), 108 депутат эса қарши чиқди, дейилади «Associated Press» ахборот агентлиги хабарида. Асосан социал-демократлар ва консерватвилар ҳамда «Роминия Маре» партиялари вакиллари Басескуни вазифасидан четлатиш учун овоз бердилар.

Парламентнинг бундай қарорга келишига сабаб, мухолифатдаги Социал-демократик партияси етакчиси Мирча Геоаннинг айтишича, 55 ёшли президент томонидан 19 марта Конституция меъёрлари бузилганлигидир. Жумладан, бош вазир Калин Таричан томонидан вазирликка номзоди кўрсатилганларни лавозимга тайинламаган, бундан ташқари, вазирларнинг телефон сўзлашувларини маҳфий равишда эшитишга буйруқ берганликда гумон қилинмоқда.

Президент эса Конституция меъёрларини бузмаганлигини қатъий уқтирмоқда, шунинг учун вазифасидан четлатилишини ноқонуний, деб баҳолади.

Шуни таъкидлаш лозимки, аввалроқ парламент президент истеъфога чиқарилишини талаб қилиб Конституциявий судга мурожаат этган эди. Бироқ Конституциявий суд парламентнинг бу мурожаатини рад этган. Негаки, парламент президентнинг Конституция меъёрларини бузганлиги юзасидан етарли исбот тақдим этолмаган. Аммо мухолифат Конституциявий судга президент тазйиқ ўтказган, деган тахминни илгари сурмоқда.

БОШ ВАЗИРГА ВИЗА БЕРИЛМАЙДИ



Нидерландия маъмурияти Фаластин бош вазири Исмоил Хониянинг Роттердам шаҳрига ташрифи учун виза беришни рад этди. Сабаб: Европа Иттифоқи томонидан террорчилик ташкилоти сифатида «қора рўйхат»га киритилган «Хамас» ташкилотига Хониянинг боғлиқлик жойи бор. Хония шу йил 5 май куни Роттердам шаҳрида фаластинлик қочоқлар масаласи кўриб чиқиладиган конференцияда қатнашиши учун Фаластин мухторияти бош вазири девонхонаси Нидерландия маъмуриятига виза олиш мақсадида мурожаат этган эди.

Нидерландия Ташқи ишлар вазирлиги вакили Роб Деккердан олинган манбага асосланиб ИТАР-ТАСС бу ҳақда ахборот тарқатди.

ДЕПУТАТЛИК МАҚОМИНИ БЕКОР ҚИЛДИ

Украинанинг мухолифатдаги «Юлия Тимошенко блоки» («ЮТБ») ўз қурултойини ўтказди ва «ЮТБ»нинг парламентдаги фракциясини тарк этиб, парламент кўпчилигини ташкил этувчи коалицияга қўшилган депутатларни депутатлик мақомидан маҳрум этди (ҳаммаси бўлиб 17 нафар). Шунингдек, «ЮТБ» 2006 йил мартда тасдиқланган сайлов рўйхати намунасини ҳам бекор қилди.

Бу ҳақда Юлия Тимошенко берган манбага асосланиб «ProUA» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Дарвоқе, «ЮТБ»нинг қолган 104 нафар депутати депутатлик ваколатидан воз кечганлиги ҳақида президент номига ариза ёзди.

Украина қонунчилигига кўра, ариза президент номига эмас, балки парламент спикери номига ёзилиши керак. Лекин «ЮТБ» етакчисининг таъкидлашича, «бугунги кунда президент Виктор Юшченко Украинадаги ишонса бўладиган ягона қонуний раҳбардир».

Яна бир гап. Киев шаҳрида парламент кўпчилигини ташкил этувчи коалиция тарафдорлари, яъни бош вазир Виктор Янукович тарафдорлари — «Регионлар партияси», Социалистик ва Коммунистик партия вакиллари ҳам, мухолифатдаги «ЮТБ», «Бизнинг Украина» ва «Ўз ўзини ҳимоя» сиёсий иттифоқчилар тарафдорлари ҳам (президент Виктор Юшченко тарафдорлари) митингларни давом эттирмоқдалар. Янукович тарафдорлари президентнинг парламентни тарқатиб юбориш ва 27 майда навбатдан ташқари парламент сайловлари ўтказиш ҳақидаги фармонига қарши, Юшченко тарафдорлари эса ушбу фармонни қўллаб-қувватлаб намойиш ўтказмоқдалар. Майдонларда тикланган «палаткали шаҳарчалар»да куну тун одамлар аримаяпти. Улар президент фармонининг қонуний ёки қонуний эмаслиги юзасидан Конституциявий суд қарори чиққунга қадар палаткаларни тарк этмаслигини билдирмоқдалар.

МИТИНГ ТАРҚАТИБ ЮБОРИЛДИ

Маълумки, мухолифатдаги «Қирғизистоннинг муносиб келажаги учун» бирлашган фронти тарафдорлари 11 апрелдан буён Бишкекда президент Курманбек Бакиев истеъфосини талаб қилиб, норозилик намойишларини ўтказишаётган эди. «REGNUM» ахборот агентлиги хабар беришича, 19 апрель куни Алатов майдонидаги митингда мухолифат тартибсизликларни келтириб чиқарди, милиция томонидан қўриқланаётган ҳукумат идорасига бостириб киришга уринди. Улар қўлларига илинган нарсаларни — тош ва шишаларни отиб, милиция «қамали»ни ёриб ўтишмоқчи бўлишди. Натижада милиция билан мухолифат тарафдорлари ўртасида тўқнашув юз берди ва милиция уларни тарқатиб юбориш учун кўздан ёш оқизувчи газ қўллади. Митинг иштирокчилари тезда тарқаб кетди.

Тўқнашув натижасида 14 киши жароҳатланди. Жароҳатланганлар орасида милиция, мухолифат вакиллари ва журналистлар бор.

«Интерфакс» ахборот агентлигининг маълум қилишича, кеча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимлари мухолифатдаги «Оқим» газетаси фаолиятига чек қўйдилар, шунингдек, «Қирғизистоннинг муносиб келажаги учун» бирлашган фронти идорасида тинтув ўтказиб, идорани мухрладилар.

Оммавий тартибсизликларни келтириб чиқарганлар иши юзасидан бош прокуратура жиноят иши қўзғади. Шуни таъкидлаш лозимки, митингни ташкиллаштирган шахсларга нисбатан жиноий иш очилмади.

11 ЁШДАН ҚАМОҚҚА ОЛИНИШИ МУМКИН

Япония парламентининг қуйи палатаси жиноий қонунчиликка ўзгартиш киритди. Энди бу қонун лойиҳаси парламентнинг юқори палатасига тақдим этилади ва июнгача улар тасдиғидан ўтказилади.

Маълумки, Японияда жиноят содир этган ўсмирлар 14 ёшга етгачгина жиноий жавобгарликка тортилиб, ахлоқ тузатиш муассасаларига жўнатилади. Эндиликда эса ўзгартиш киритилган янги лойиҳага кўра, жиноятчи ўсмирлар 11 ёшдан эътиборан жиноий жавобгарликка тортилади.

Жиноий қонунчиликка бундай ўзгартиш киритилишига сабаб, кейинги пайтларда ўсмирлар орасида оғир жиноятлар содир этиш ҳоллари сезиларли даражада ортганлигидир. Айниқса, Сасебо шаҳридаги мактабнинг 6-синф ўқувчиси ўз дугонаси билан жанжаллашиб қолиб, уни пичоқлаб қўйгани япон аҳлини ларзага солди. Бу эса қонунга ўзгартиш киритиш эҳтиёжини туғдирди, дейилади ИТАР-ТАСС ахборотида.

САККИЗ ЭГИЗАК ТУҒИЛДИ

Жазоирлик 27 ёшли аёл 8 нафар эгизакни дунёга келтирди.

«Franse Presse» ахборот агентлигининг маълум қилишича, чақалоқлардан бири жонсиз туғилган, яна бири эса туғилгач вафот этган, қолган 6 нафари соғ-саломат дунё юзини кўриш бахтига муяссар бўлди. Улар ҳар бирининг оғирлиги 700 граммдан 1,3 килогача тош босди.

Агентликнинг таъкидлашича, кейинги ўттиз йил давомида Жазоирда тўрт нафардан ортиқ эгизак туғилмаган эди.

❖ Қутлов

МАРДУ МАЙДОН

Юзларда ҳаяжон, дилларда севинч,
Жаҳоннинг нигоҳи Сенга қадалган!
Мардлик оламининг юксак чўққисин
Забт этдинг, ўзбекнинг ўғлони Руслан!

Сендаги шижоат, сендаги ғурур —
Буюк Темурлардан оққан соф қондир.
Бу кун ифтихорин гаштини сурур,
Юртинг, Онажонинг — Ўзбекистондир!

Сени халқ қўллади, Шарқ қўллади, рост
Яхши-ёмон кунда меҳрингга шоён!
Бир буюк тарихий кун билан рўй-рост,
Ўзбекнинг қудратин этдинг намоён!

Юртбошим берган оқ фотиҳа ҳаққи,
Улуғ Бобур балки дуолар қилган!
Ҳалол жанг, маҳорат, чин зарба билан
Улкан рақиб қаддин дол этдинг, Руслан!

Сенинг матонатинг Жалолиддиндан,
Широқ, Муқаннадан меросдир асли!
Шонинг, жасоратинг таралмиш бу кун,
Рустами достондек тилларда Руслан!

Ўзбегим байроғин кўтаргил баланд,
Рўйи замин сенга ҳавас-ла боқсин,
Бу юрт нонини еб, номин сотганлар,
Кўзларидан ҳайрат ёшлари оқсин!

Сенга ишончимиз сарбаланд, пойдор,
Сендан Она халқинг умидвор, Руслан!
Эй, Ватан ўғлони, халқимнинг фахри,
Марду майдон ичра барқарор Руслан!

ХУРШИДА
Андижон вилояти.

Суратда: Руслан уч яшар ўғли Артур билан. *Тошкент, 19 апрель, 2007 йил.*
Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат

ФАХР-ИФТИХОР ТАНТАНАЛАРИ

Термиз шаҳридаги «Алпомиш» ўйингоҳида Русланнинг ғалабасига бағишланган катта тантана бўлиб ўтди. Унда воҳанинг турли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нуроний-оқсоқоллар, маҳаллалар фаоллари ва минглаб ёшлар иштирок этди.

— Руслан Чагаевнинг ғалабаси ўзбек спортининг қандай юксак даражага кўтарилганидан дарак, — деди кураш бўйича бир неча халқаро турнирлар ғолиби Суҳроб Дўстов. — Бу муваффақиятдан шундай хурсандманки, бугун мендан бахтли одам йўқ. Бу каби улкан ғалабаларни халқимиз кўпдан-кўп нишонлашига ишонаман.

Ҳа, барчанинг кўнглида севинч, фахр-ифтихор мужассам.

Бундай қувончли тадбирлар Сурхон воҳасидаги энг катта ўқув даргоҳи ҳисобланган Термиз давлат университетида ҳам бўлиб ўтди. Бундан ташқари, вилоятнинг туман ва шаҳарларида, маҳаллаларида ҳам ҳамюртимизнинг улкан ғалабаси ўзига хос тарзда байрам қилиняпти.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349
11574 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari

O`zA yakuni — 23.10
Topshirilgan vaqti — 1 2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda

❖ Партиядошларимиз фикри

МАМЛАКАТ ШОН-ШАРАФИНИ АСЛ ЎҒЛОН ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Руслан Чагаевни «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлаш ҳақидаги Фармонини ўқиб қувончимга яна қувонч қўшилди, ғурурландим. Шубҳасиз, бу унинг кўрсатган мардлиги ва жасоратига берилган муносиб баҳодир. Мен Руслани ҳам ғалаба, ҳам мамлакатимизнинг юксак мукофоти билан чин дилдан қутлайман.

Яна бир нарсани айтмасам бўлмайди. Кўпчилик юртдошларимиз сингари мен ҳам 15 апрель тонгини ухламасдан оттирдим. Тўғриси, қарийб бир соат давом этган 12 раундли жанг мени ларзага солди. Чунки, ҳар бир раундда ҳамюртимизнинг устунлиги сезилиб турарди. Халқимиз Русланга жуда катта ишонч ва умид билан боқди. Мен бир бокс мухлиси сифатида унинг ғалабасига ишонган эдим. Сабаби аввалдан Валуевнинг ҳам, Русланнинг ҳам жангларини кузатиб юрардим. Бундан ташқари, Русландаги ўзига бўлган ишонч бунга яна бир асос эди.

Рингда ғолиб сифатида Русланнинг қўли кўтарилганида, тўғриси, кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Табиийки, бундай ҳолатга ёлғиз ўзим тушмадим. У бу ғалабаси билан бутун Ўзбекистон халқига қувонч, шодлик, хурсандчилик, фахр, ифтихор бағишлади.

Бу ғалаба мамлакатмизда спортга, хусусан, боксга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин намунаси, деб ўйлайман. Русланнинг жаҳон чемпиони деган юксак унвонни узоқ йиллар шараф билан ҳимоя қилишига, Ўзбекистон номини улуғлашига, байроғимизни жаҳон рингларида ҳали кўп марта юқори кўтаришига ишонаман.

Абдурашид РАСУЛОВ,
Ўзбекистон ХДП Бўка туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати

ЖАҲОН ПАҲЛАВОНИ

Ўша тунни Ўзбекистонимизнинг миллион-миллион мухлислари қалблари тўла ҳаяжон билан бедор ўтказди. Руслан Чагаевнинг ғолиб келиши шаҳар ва қишлоқларимизда одамларни кўчаларга чиқиб, бирлашиб, ғалаба нашидасини суришга ундади. Бот-бот «Яшасин, Ўзбекистон!», «Баракалла, Чагаев!» — деган ҳайқириқлар янгради.

Бу қувонч, завқ, ғурур ва фахр замирида Ватан деган буюкдан буюк тушунча ётибди. Айнан Ватан туйғуси Руслани бу оламшумул ғалабага ундаган куч бўлгани — айни ҳақиқат. Ғалабадан кейин Русланнинг: «Ўзбекистон! Мен ҳаммаларингизни яхши кўраман!» — деб ҳайқиргани қайси ўзбекистонликни бефарқ қолдиради, дейсиз!

Спорт доимо юрт шаъну шарафини улуғлашга хизмат қилган. Ўзбекистонимиз қадим-қадим замонлардан оламга донғи кетган паҳлавонлар юрти бўлиб келган. Руслан Чагаев буни жаҳон миқёсида яна бир карра исботлади.

Спорт маънавиятимизнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бугун дунёдаги энг кучли боксчини тарбиялаб, вояга етказган халқнинг ҳар қанча фахрланишга ҳаққи бор. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов бир неча йил бурун баралла айтганидек, бугун дунё боксчилари Ўзбекистон деганда ҳушёр тортадиган бўлиб қолишди.

Руслан, оламшумул ғалабанг қутлуғ бўлсин!

Ўзбекистон паҳлавонининг жаҳон паҳлавонига айлангани ҳаммамизга муборак бўлсин!

Республика Маънавият тарғибот маркази

❖ Муносабат

ҲАР ҚАНЧА ШАРАФЛАСАК АРЗИЙДИ

Ўзбекистон Президентининг Руслан Чагаевни «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб, беҳад хурсанд бўлдим. Бундай олий мукофот ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Мардлик ва жасорат кўрсатган, юрт шуҳратини дунёга танитганларгина шундай шарафланадилар. Бу нафақат Руслан Чагаевга, балки ўзбек спорти, жумладан, мамлакатимиз боксчилари ва уларнинг устозларига берилган юксак эътибор намунаси, деб биламан.

Айни пайтда юртимизда жуда кўплаб иқтидорли ёшлар улғаймоқда. Мустақил Ўзбекистонимиз фарзанди Руслан Чагаевнинг қўлга киритган катта ғалабаси эса ёшларимизни янги зафарлар сари ундаши шубҳасиз. Қолаверса, давлатимиз томонидан спортга, хусусан, болалар спортига кўрсатилган ғамхўрлик янада кўплаб жаҳон чемпионлари етишиб чиқишига кафолат бўлади.

Мансур МАҲМУДОВ,
ҳаваскорлар бокси бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат

МУАММОНОМА

5	2	9	7	8	3
8	7	1	11	-	
3	2	3	4		
12	1	7	6		
12	2	11	11	1	-
10	2	7	2	6	.

1. Ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилоти. 2. Тўти тури. 3. Халқаро ахборот тури. 4. Ернинг табиий йўлдоши 5. Иссиқлик. 6. Япония давлати валютаси. 7. Энг мўътабар зот. 8. Антик даврнинг юнон шоири. 9. Немис композитори. 10. Азиз юрт, она диёр. 11. Юз йил. 12. Волга ирмоғи. 13. Айлана ўлчамидаги 3,14... 14. Дуккакли дон экини. 15. Пилладаги майда тола. 16. Қалин жун ғазлама. 17. Эна катта жонивор. 18. Фаолиятга қулай шарт-шароит. 19. Кўрк, чирой. 20. Инглиз физик олими. 21. Олий ҳарбий унвон. 22. Фурсат. 23. Ҳорижий валюта. 24. Майда шох. 25. Нефтдан олинадиган ёқилғи. 26. Катта идиш. 27. Жиззах вилоятидаги туман. 28. Зуҳра...(театр актрисаси). 29. Дурадгор маҳсулоти. 30. Бахо, қийматлар. 31. Тарихнавис, украин адиби.

	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1																						1									
3	2																														
5																			3												
7																4															
9													5																		
11					6																										
14																														7	
18								8																							
20	9																														
25																10															
28																														11	
30			12																												

ЖАДВАЛЛИ КРОССВОРД

Жавоблар таърифларига кўра, шакл бўйича энига ва бўйига ёзилиб, йўғон чизиқли катакда тугалланади. Муаммономани эса, рақамларни жавоблар ёзилган катаклардаги мос харфлар билан алмаштириш орқали ҳал этиб, ҳикматли сўзларни билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

ТОПШИРИҚЛИ СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

(газетанинг 2007 йил 31 март сони)

Бўйига: Аҳил. Гули. Эрон. Эман. Сато. Этан. Дина. Анод. Эгар. Асар. Вафо. Овул. Олма. Балл. Атом. Хина. Анор. Угом. Амур. Метр. Оҳак. Унар. Қайс. Стол. Кино. Иншо. Эгов. Одил. Қавс. Овал. Олим. Зарб. Фтор. «Тико». Анқо. Агра.

Шакл қаторларида: Ҳурматинг савлатинг, меҳнатинг давлатинг.

Калит сўз: Билимдон

«АЖДАР КАРНАЙ»

Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги тарих музейига ташриф буюрган киши музейнинг ноёб экспонати «Аждар карнай»ни кўриб таажжубга тушиши, унинг гўзаллиги олдида лол бўлиши табиий.

Бронзадан ишланган, шакли олов пурковчи аждарни эслатувчи бу соз мутахассисларнинг фикрича беш ярим аср аввал ясалган.

Тарихий маълумотларга қараганда, шоҳ ва шоир Мирзо Бобур Ўшга кетаётиб йўл-йўлакай Булоқбошига тўхтаганида, машҳур уста Мирзо Олимни учратиб қолади. Унга ғаройиб шакл ва юқори товуш қувватига эга карнайни туҳфа этади.

Уста Мирзо Олимдан қолган бу мерос булоқбошилик карнайчилар томонидан ҳозиргача авлоддан-авлодга сақланиб келинмоқда.

Унинг охирги меросхўри машҳур карнайчи Равшан Тўқиров бу ноёб созни тарих музейига топширди.

Бу ноёб экспонатни Париждаги музейлардан бирига олиб кетиш истагини билдириб хорижий мутахассислар келган эди. Бунга жавобан булоқбошиликлар карнай, музей ҳамда Андижоннинг такрорланмас табиати тасвирга туширилган видео тасмани бериб юборишди. «Аждар карнай» ўз жойини ҳеч қачон тарк этмайди.

«Туркистон-ПРЕСС»

❖ Ҳикматлар сандиғидан

ЯХШИ ДЎСТ — ҚОРОНҒУДА ЧИРОҚ

- *Дўст қадрини билган, эл қадрини билади.*
- *Олим билан дўст бўлсанг қўлинг етар, ёмон билан яқин бўлсанг бурдинг кетар.*
- *Дўст кўнгли нозик ип, билмайин узиб қўйма.*
- *Содиқ дўст — меҳнатда, сохта дўст иғвода бирга.*
- *Фикрсиз дўстдан тош яхши.*
- *Беҳаё дўстликка ярамас, нопок сирдошликка.*
- *Дўстсиз бошим — тузсиз ошим.*
- *Дўстнинг кўнгли қолгунча — душманнинг бўйни узилсин.*
- *Яхшилар дўстлашмоққа келади, ёмонлар муштлашмоққа.*
- *Синалмаган ўртоқ — чақилмаган ёнғоқ.*
- *Дўст синови минг бўлар, от синови бир бўлар.*

Тўпловчи: Юнус ЗИЁДОВ